



1722 йилда I Петр: «Киргиз (козокларнинг) ўрдалари бутун Осиё мамлакатларининг калити ва дарвозасидир. Шу боисдан бу Ўрдалар рус химояси остига олиниши керакки, улар воситасида бутун Осиё мамлакатлари билан алоқа ўрнатилсин ва Русия учун фойдали ва мос тадбирлар амалга оширилсин»(Тўлик маълумот учун қаранг: И. И. Крафт, Сборник узаконенный. 35-36-6. Левшин, Описание., 113-116-6.), дейди.

Бу таълимотга мувофиқ рус раҳбарияти уч ўрда билан алоқа қилишга киришди. Бу мақсадни амалга ошириш учун 1552 йилдан руслар асоратига тушган турки жамоалар билан (бошқирд ва татарлар билан) чегарадош бўлган Кичик Юз танланди. 1734 йили рус хомийлиги Кичик Юз доирасида амалга оширилди. Сўзда бу дашт давлатини химоя қилиш учун Русия бир мустахкам қалъа барпо қилиш учун мос бир ер излар эди. Бу мақсадга Ўр дарёси мавзеси мос деб топилди. Қалъани қуришдан аввалги тайёргарлик ишларини олиб бориш ва назорат қилиш учун 1734 - 1737 йилларида Урал ва Ўр дарёларига Иван Кирилов бошчилигидаги харбий разведка жўнатилди. Қалъа иншооти ҳақидаги топшириқда Ўр дарёсининг Талкала қишлоғида бир қалъа-шаҳар бунёд қилиш, Ўр дарёси атрофидаги табиий маъданларни тадқиқ ва Орол кўлида бир порт (бандаргоҳ) қурилиши билан аскарларни у ерга жойлаштириш ақс этган эди. Кириловга харбий топшириқдан ташқари яна бир «дипломатик сиёсий вазифа» ҳам юклатилганди. Бошқа кўрсатмалардан ташқари бу топшириқда шундай дейилган эди: «Бошқирдларга ва қирғизларга (козокларга) ишонмангиз. Бу миллатлардан бири Русияга қарши кўзгалган тақдирда, бошқасини унга қарши қижғижлангиз; фақат бунинг учун тарафлардан ҳеч

бирига курул бермангиз. Русияга кўшни бўлган барча давлатлар хақида маълумот хатти-харакатларини кузатингиз. Хива хонлигига қарши курашда Кичик Юзга ёрдам беринг. Факат аскар бермангиз» (Материал по истории (ношир М. Г. Масевич) 31-6.). 18 май 1734 йили подшо Анна Ивановнанинг разведка кўлсолар хайъатига берган топширигига биноан козоклар Урал дарёсидан кечиб ўтиши учун рухсат берилмаган. Абулхайрхонга Оренбургда бир уй қурилиб, аввалроқ сафарга чиқариш бахонаси билан тутилиб, ўша уйда назорат остида сақланиши лозим эди. Козок хонларининг садокатига баъзан мукофотлар билан, баъзан тахдид воситаси билан эришилар эди (Abdullah Taymes, Rus ihtilalinden Hatiralar, 1947, Istanbul, 19-6. Крилов сафарининг мақсади Оренбургдан Орол денгизига қадар 45 истехкомдан ташкил топган Оренбург харбий чегара чизиги ҳосил қилиш эди. Н. Г. Аполлова, Экономические, 105-бет.). Денгиз офицерлари (субай), картографлар, муҳандислар (жами 200 киши) иштирок этган бир разведка 15 июнь 1734 йилда йўлга чиқди ва 15 август 1734 йилда Ўр дарёсига етиб қелишди. Аскарлар қалъа қуришни бошлади. Татишчев кўмондонлигидаги аскарлар 1738 йил октябрида Оренбург қалъасига жойлашдилар. Урал дарёсида деворлар билан ўралган янги бир шаҳар - Оренбург иншооти қуриб битказилгач, бу қалъанинг оти 1734 йили Орск (аввалига Талкала) деб ўзгартирилди. Кейинги даврларда Оренбург Туркистонни босиб олишда бир муҳим ҳаракат нуктаси сифатида алоҳида рол ўйнади (Макшеев, 85-92-бетлар.). Мустаҳкам Оренбург шаҳрини қуриб бўлгач, Оренбург харбий қисмини ташкиллаштириш бошланди. 1100 верст (1 верст - 1, 067 км) узунликдаги чегара чизиги 1759 йилгача ҳосил қилинди. Бу чизик тўғридан-тўғри Туркистон чегараларида бўлиб, 88 қалъани ўз ичига олар эди. Айни замонда Ишим дарёси бўйлаб ҳам иншоотлар қуриларди (Ишим дарёсидан Иртишгача - Омскка қадар қўзилган чегара чизиги). Бу чизик, асосан, 1752 - 1755 йилларда майдонга келтирилиб, 6000 верст узунликда эди. 1771 йили бу ерларда 9дан ортиқ қалъалар бор эди. Бу чизик кейинроқ Иртишга қадар узайтирилди ва «Иртиш чизиги» номини олди. Бу чизик ҳам 1100 верст узунликда бўлиб, Иртиш дарёсидан Зайсан кўлига қадар бўлган ерларни ўз ичига олар эди. 1745 йилда Иртиш чизигида 45 қалъа мавжуд эди. XIX асрнинг дастлабки ярмида, сўнгги икки чизикнинг номлари бирлашиб, «Сибирия чизиги» деб аталди. Русия Кўкон хонлиги истилосини бошламасидан аввал Оренбург ва Сибирь чизигида 141дан ортиқ қалъага эга эди. 1855 йилда Оренбург чизигида ҳаммаси Туркистонга қарши қаратилган 10 суворий полки; 1867 йилда 12 суворий полки ва 9та тўпчилар батальони, бта казаклар полки бор эди (Атрофлича маълумот учун яна қаранг: Макшеев (подполковник), Описание низовьев, Ўрусиянинг Орол ва Сирдарё хақидаги маълумотлари XVI асргача бўлган маълумотга суянади. (51-бет). Қорақум саҳросининг харитасини полковник Вларамберг 1841 йилда ишлаган эди (41-бет.). Сибирь чизиги 1854 йили Или дарёсигача кенгайтирилди. Мустаҳкам чегара чизиклари қатори Орол кўли ва Сирдарёнинг қуйи оқими картографик ишларига аҳамият берилди ва бу ишлар 1855 йили тугалланди. Аслида, Русия 1850 йилга қадар Туркистоннинг шимолида Оренбург атрофида Или дарёсига қадар Гарбдан жанубий-шарққа қараб, ўз «хитой девори» ёрдамида, ҳар қандай восита билан Туркистонга қарши харбий юриш учун ҳозирланганди. Факат Крим уруши (1853-56) ва Русиянинг бу урушдан мағлуб ҳолда чиқиши Туркистон юришига тўсик бўлди. Крим урушидан сўнг Урусия ташқи сиёсатини ва харбий сиёсатини тамоман ўзгартирди. Русия раҳбарияти Буюк Британияга орқадан зарба беришга қарор қилди,

яъни унинг Хиндистондаги нуфузини камайтиришга уринди. Хакикатан, «Русиянинг Крим урушидаги маглубияти, ташки сиёсатидаги огирлик марказини Болкон ва Якин Шаркдан, асосан, Ўрта Осиёга каратишига сабаб бўлди»(Н. А. Халфин, Политика России, 16-бет, Халфиннинг бу фикри рус тарихчиси Покровскийнинг карашлари билан айнан бир хилдир. Покровский шундай ёзади: «Русия Англиянинг орка томонидан тахдид килишни ва Хиндистонга кўл чўзишни лозим топди. Шу боисдан Туркистонни босиб олиш зарур эди. Каранг: В. Навит, Sovjet-Russische orientpolitik, 15-6.). Шундай килиб, Туркистон Русиянинг халқаро сиёсати қурбонига айланди. Туркистонни босиб олиш уларнинг асосий максоди эди.

Крим урушининг ўртасидаёқ 1853 йилда руслар Кўкон хонлигининг Оқ мачит қалъасини эгалладилар. Бу муваффақият Русияга бундан кейин кенг йўсинда Туркистон ичига юришни давом эттиришга жасорат берди. Кўкон хонлигига қарши урушнинг ашаддий ташвиқотчиларидан бири Д.А.Милютиннинг харбий нозир ва яна бир уруш тарафдори бўлган Игнатъевнинг(Н. П. Игнатъев (1832 - 1900) 1875 йили Дондон харбий атташесида Хива, Бухоро ва Хитой элчиси эди, 1861 - 1864 йилларда ташки ишлар нозирлиги Осиё бўлимининг директорлигини, 1864 - 1897 Русиянинг Истанбулдаги элчиси вазифаларини ўтади. Каранг: Anvar Han, England Russia and Central Asia, 30-6.) Рус ташки ишларининг Осиё бўйича нозирлиги бўлимининг бошлиги бўлиши Русиянинг Туркистонга қарши харбий сиёсатини 1861 йили энг юқори нуктага кўтарди. Ялпи хужум бошлангунга қадар Русия Туркистоннинг даштларида ҳокимиятни ўз қўлига олишга эришди.

Др.Боймирза Хайитнинг

"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан